
Тошкентдаги 1-сон шаҳар клиник шифохонасида бўлган шахс

UZ: Тошкентдаги 1-сон шаҳар клиник шифохонаси (1-горбольница)да коронавирусга гумон қилиниб, кейинчалик Республика Вирусология илмий текшириш институти клиникасида ушбу ташхис тасдиқланган фуқаро ўзини Туркияда бўлганлигини яшириб, маълум вақт шу шифохонада бўлган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига мувофиқ равишда ва қатъий эҳтиёт чораси сифатида ушбу шифохона маълум муддат карантинга олинди. Бироқ бу айтилган пайтда мазкур шифохонада коронавирус тарқалди, деган якуний хулоса эмас.

Яқин кунларда даволаш ишлари яна ўз изига туширилади.

Шунингдек, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг бир бўлимидаги шифокор ўзида коронавирус инфекциясига шубҳа қилганлиги боис, ўша бўлим эҳтиёт чораси сифатида маълум муддат карантинга олинган эди.

Аммо ихтисослашган таҳлиллар натижаси шифокорда ушбу инфекция йўқлигини кўрсатгандан кейин марказ бўлимидаги карантин тартиби бекор қилинди.

Айтилган пайтда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази одатдагидек, узлуксиз фаолият кўрсатмоқда.

2020-03-19 15:44:10